

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМОНОВ ФАРҲОД ЛАПАСОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ
БОСҚИЧИДА АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УДК: 316.776.32:321.7 (575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Усмонов Фарход Лапасович

Ўзбекистонда демократик ислохотларнинг янги босқичида ахборот эркинлигини таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий асослари.....3

Усмонов Фарход Лапасович

Социально-философские основы обеспечения свободы информации на новом этапе демократических реформ в Узбекистане.....21

Farkhod Usmonov Lapasovich

Socio-philosophical basis of ensuring freedom of information at a new stage of democratic reforms in Uzbekistan.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМОНОВ ФАРҲОД ЛАПАСОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ
БОСҚИЧИДА АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Fal343 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саифназаров Исмоил

фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўйчиев Бердикул Тўрақулович,

фалсафа фанлари доктори, профессор

Досмухаммедов Хуршид Набиевич,

филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

С. Атамуродов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси в.б.,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Г.М.Рузматова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, фалсафа
фанлари доктори, профессор

Ж.Холмўминов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси в.б.,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рақамли технологияларнинг фаол қўлланилиши натижасида тезкор ахборотлар тараққиётни тезлаштирувчи асосий омилга айланди. Ахборот тизими фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларини тобора мустаҳкамлаш, ахборот маконини изчил ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институти сифатидаги аҳамиятини кучайтиришда асосий омил бўлмоқда. Ахборотлаштиришнинг ривожланаётгани ва жамият ҳаётининг таркибий қисмига айланаётганини эътироф этиш ҳамда глобал ахборот маконини яратишга интилиш ифодаси бўлиш билан бирга бундай тараққиёт оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган турли салбий ҳолатларнинг олдини олишнинг ижтимоий-фалсафий, ҳуқуқий асосларини яратиш заруриятини ҳам англатади.

Дунёда ахборот олиш, қайта ишлаш (фейк хабарлардан саралаш) маданиятини шакллантириш, кенг жамоатчиликка етказишда холислик, ҳаққонийлик тамойилларининг таъминланиши, рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш, фуқароларнинг медиа саводхонлигини янада ошириш юзасидан бир қанча мамлакатлар (АҚШ, Германия, Франция, Япония)да илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бутунжаҳон матбуот эркинлиги қўмитаси томонидан 1987 йилда қабул қилинган «Матбуот эркинлиги Хартияси»да ҳукумат томонидан оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш ва уни тайёрлаш билан боғлиқ масалаларда чекловларга йўл қўймаслик, мустақил нашрлар билан давлат нашрларининг ваколатлари тенг бўлиши ва бошқа меъёрлар белгилаб қўйилган. Чунки, ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ОАВнинг ўрни беқиёсдир.

Мамлакатимизда ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатларига риоя этилиши, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиши ва сақлашига кенг имконият яратиб берилмоқда. «Ошкоралик ва сўз эркинлиги бу – давр талаби, бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг талаби»¹. Замонавий ахборот технологиялари тизими имкониятларининг ошиши оммавий ахборот воситалари билан халқ ўртасида мулоқот ўрнатишнинг янги принцип ва механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Фуқароларнинг демократик ислохотлардан хабардорлигини янада ошириш, уларнинг муносабатларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва давлат бошқарув органларига етказиш ахборот тифизлашуви шароитида муҳим аҳамият касб этади. «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастурининг қабул қилиниши, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Халқаро пресс-клуб, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциациясининг ташкил этилиши бу борада муҳим қадамлар бўлди. Шу жиҳатдан илмий тадқиқотлар доирасида ахборот эркинлигининг ижтимоий-фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. — Тошкент: O'zbekiston, 2022. - 464 б.

жиҳатларини ўрганиш фанлараро тадқиқотларнинг долзарб мавзусига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2019 йил 2 февралдаги ПФ-5653-сон «Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сон «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 2 декабрдаги ПҚ-4541-сон «Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 27 июндаги ПҚ-294-сон «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Антик давр файласуфлари Аристотель, Платон ҳамда Янги давр Европа мутафаккирлари Г.Ф.В.Гегель, И.Кант, Ф.В.Й.Шеллинг, Б.Спиноза, Т.Гоббс, Ж.С.Милль, Ж.Мильтон, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссо, Д.Юм, Ж.Локкнинг асарларидаги илмий-назарий хулосалар тадқиқот давомида сўз ва ахборот эркинлиги феноменини ҳозирги давр нуқтаи назаридан тушуниш, унинг кенг қамровли ўлчамлари ва мезонларини аниқлаш учун қимматли концептуал манба бўлиб хизмат қилди. МДХ давлатларида ахборотга доир муаммолар Н.Н.Моисеев, Л.М.Землянова, А.В.Соколов, В.П.Терин, И.С.Мелюхин, А.А.Чернов ва бошқаларнинг илмий ишларида ахборотлашган жамиятга ўтиш муаммолари ва бу жараёнда ОАВнинг тутган ўрни ўрганилган. Бугунги кунда ахборот муаммолари фанлараро ўрганиш объекти ҳисобланиб, ушбу соҳанинг тадқиқ этилишига турли фан вакиллари салмоқли ҳисса қўшмоқда. Шу боисдан Е.Л.Вартанова, И.М.Дзялошинский, И.И.Засурский, Я.Н.Засурский, В.В.Ворошилов, И.И.Юзвизин, С.А.Михайлов, С.Г.Корконосенко, Г.Лазутина, Л.Свитич, Е.Прохоров² каби журналистика соҳаси назариячилари ўз ишларида мазкур муаммонинг айрим жиҳатларини тадқиқ этишган.

Ўзбекистонда ахборот ва эркинлик масалаларини ижтимоий-гуманитар фанларнинг турли йўналишлари бўйича ўрганган С.Отамуродов, И.Саифназаров, Б.Алиев, Қ.Назаров, Н.Жўраев, А.Қодиров, А.Мухтаров,

² Ушбу муаллифларнинг ишлари диссертациянинг адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Н.Шермухаммедова, А.Мўминов, Ф.Мусаев, Ш.Мадаева, Г.Ғаффорова³ каби олимларимиз ўз ишларида демократик тараққиёт учун мавжуд бўлган имкониятлар ва бу борадаги муаммоларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларини, ахборотлашган жамият ривожланишида ижтимоий-сиёсий ва маънавий омилларнинг ролини очиб беришган. Б.Дўстқораев, М.Худойқулов, Н.Абдуазизова, А.Ҳ.Бобохонов, Х.Дўстмуҳаммад, К.Баҳриев, Ф.Мўминов, А.Нурматов, О.Ўсаров⁴ каби олимлар ОАВда ахборот эркинлигини таъминлаш масалаларини журналистика нуқтаи назаридан тадқиқ этишган. Сўнгги йилларда Х.Маннопов, М.Ёқубова, У.Таджиев, О.Абдуазимов, С.Дониёров, Б.Примов, Г.Каримоваларнинг тадқиқот мавзусига у ёки бу даражада алоқадор бўлган диссертациялари жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди⁵.

Таъкидлаш керакки, фалсафий адабиётларда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг айрим қирралари илмий методологик жиҳатдан ўрганилган бўлса-да, мамлакатимизда ахборот эркинлигини таъминлаш масаласи файласуф олимларнинг изланишларида махсус тадқиқот мавзуси

³ Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий ҳавфсизлик (сиёсий-фалсафий таҳлил). – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 453 б.; Саифназаров И. Ахборотлашган жамият. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2013. – 31 б.; Назаров Қ. Қадриятлар тизими: барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси: аксиологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари. Фалс. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 1996. – 311 б.; Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 464 б.; Мухтаров А. Миллий ғоя ва миллий манфаат. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2014. – 240 б.; Шермухаммедова Н. Фалсафа. – Тошкент: Idris Abdurauf Nashr, 2021. – 663 б.; Қодиров А. Сиёсат фалсафаси. Монография. – Тошкент, ТДЮИ, 2005. – 124 б.; Муминов А. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. – Тошкент: Турон замин зиё, 2013. – 164 б.; Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 272 б.; Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. – Тошкент, 2007. – 128 б.; Ғаффорова Г.Ғ. Мураккаб тизимларда ахборот генерациясининг фалсафий-методологик асослари. Фал. фанлари д-ри. (DSc) ... дис. автореф. – Тошкент: ЎЗМУ, 2019. – 64 б.

⁴ Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистика тарихи (1-қисм 1870-1917 йил ноябрь). Дарслик – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, 2009. – 380 б.; Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. – Тошкент: Тафаккур, 2011. – 287 б.; Абдуазизова Н.А. Миллий журналистика тарихи (генезис ва эволюция). Икки жилдлик. – Тошкент: Шарқ, 2008.; Бобохонов А. Асрдан ошган зиё масканлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.; Дўстмуҳаммад Х. Ахборот – мўъжиза, жозиба, фалсафа. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – 320 б.; Баҳриев К. Демократия ва инсон ҳуқуқлари. Ҳуқуқий ислохотлар ўзбек йўлининг ўзига хосликлари – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. – 239 б.; Мўминов Ф., Нурматов А. Жаҳон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Фан ва технология, 2008. – 328 б.; Ўсаров О. Оммавий ахборот воситалари ва суд ҳокимияти муносабатлари: Ўзбекистон амалиёти ва халқаро тажриба. – Тошкент: Yurist-media markazi, 2013. – 180 б.

⁵ Маннапов Х. Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиш шароитида оммавий ахборот воситаларининг жамият маданий ҳаётидаги роли: Дисс. фалс.фан.номз., – Тошкент: ТошДУ, 1997. – 154 б.; Ёқубова М.В. Жамият тараққиётида ахборотлашув ва ахборот технологиялари масалалари. Фалс.фан.номз... дисс. – Тошкент: ЎЗМУ, 2006. – 176 б.; Таджиев У.З. Ўзбекистонда сўз эркинлиги ҳуқуқи (назарий ва амалий масалалар) Юрид. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, ТДЮИ, 2001. – 40 б.; Абдуазимов О.Ў. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда матбуотнинг ўрни: ижтимоий фикр мониторинги (Марказий газеталарнинг 1996-2004 йиллардаги материаллари асосида). Соц. фанлари номзод... дис. автореф. – Тошкент: ЎЗМУ, 2007. – 45 б. Дониёров С.М. Медиаконвергенция шароитида газеталар таҳририятлари ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (Ўзбекистон мисолида, 2010 йилдан кейинги давр) Фил. фан. бўй. фалс. док. (PhD)... дис. автореф. – Тошкент: ЎЗДЖТУ, 2019. – 45 б. Примов Б.А. Ахборот оқими жадаллашувининг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фалс. фан. бўй. фалс. док. (PhD)... дис. автореф. – Тошкент: ЎЗМУ, 2020. – 46 б. Каримова Г.А. Ўзбекистонда ахборотлашган жамият шаклланишининг миллий-ахлоқий жиҳатлари. Фалс. фан. бўй. фалс. док. (PhD)... дис. автореф. – Тошкент: ЎЗМУ, 2020. – 48 б.

бўлмаган. Шу сабаб диссертацияда ахборот эркинлигини таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари таҳлил қилинди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, FA-0513 «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муштараклиги» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади янгиланаётган Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни амалга оширишда ахборот эркинлигини таъминлашнинг ижтимоий, сиёсий, фалсафий жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ахборот эркинлиги таъминланишининг ижтимоий-фалсафий қарашлар тизимидаги эволюцион ривожланиш тенденцияларини таҳлил этиш;

замонавий ОАВ ҳамда Интернет, ижтимоий тармоқлардаги фуқароларнинг ахборот соҳасидаги эркинлиги таъминланишини ўрганиш;

ахборот қонунчилигидаги янгиликларни кузатиш, анъанавий оммавий ахборот воситаларининг «тўртинчи ҳокимият» сифатидаги мақомини қай тарзда тушунилишини кўриб чиқиш ҳамда ОАВни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилашга доир аниқ чораларни таклиф этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ахборот эркинлиги тамойилларини янада мустаҳкамлаш, медиа саводхонлик маданиятини юксалтиришга доир илмий-назарий хулосалар, таклиф, тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Янги Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар даврида ахборот эркинлигини таъминлаш жараёнлари белгилаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети Янги Ўзбекистонда ахборот эркинлигини таъминлашнинг замонавий усуллари, механизмлари, тамойиллари ҳамда ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихийлик, тизимлилик тамойиллари, анализ, қиёсий таҳлил, кузатув, умумлаштириш, ижтимоий сўров каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ахборот эркинлигининг аксиологик, онтологик, эпистимологик хусусиятлари (сабаб ва оқибат) замонавий жамиятдаги ижтимоий энтропиянинг камайишига ва унинг яхлит организм сифатидаги барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши асосланган;

глобаллашув даврида Интернет ҳамжамиятларининг синергетик тармоқлар бошқарувининг тизимли ёндашув шакли орқали анъанавийлик ва замонавийлик диалектикаси асосида ахборот етказиб бериш (ночизиклилик, тизимнинг очиклиги, тузилмаларнинг янги турларининг пайдо бўлиши)нинг энг самарали усули эканлиги исботлаб берилган;

ахборотнинг жадаллашувига бевосита таъсир қилувчи кучлар (иқтисодий, рақамли, биологик, янги технологиялар)нинг генерацияси инклюзив моҳияти, жамият ҳаётига детерминистик («ахборот эркинлиги» ва «ахборот масъулияти») таъсири ва инсонпарварлик тамойилларининг ментал жиҳатларга мослиги асосланган;

дунёда ОАВлари тизимининг оддий ахборот воситасидан мураккаб, кўп функцияли тузилмага айланиши билан боғлиқ трансформацион (умумийлик, хусусийлик) хусусиятлари фалсафий жиҳатдан очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

демократик ислоҳотларнинг янги босқичида ахборот эркинлигини таъминлаш – жамият тараққиётининг муҳим омили, зарурий компоненти эканлиги асосланган;

ОАВдаги ижодий эркинликнинг янги тенденцияларини аниқлаш, ахборотлашган жамиятга хос дунёқарашни шакллантириш, глобал ахборот маконига интеграциялашув жараёнида Ўзбекистонда рақамли технологиялардан самарали фойдаланишга оид тизимни яратиш механизмлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ахборот эркинлиги масалаларига доир тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда назарий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятида, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан уюштирилладиган давра суҳбатларида, мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда, махсус ўқув курсларининг дастурларини тузишда, шунингдек, давлат хизматчилари, журналистлар, жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўйича мутахассислар малакасини ошириш тизимида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда демократик ислоҳотларнинг янги босқичида ахборот эркинлигини таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий асослари мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ахборот эркинлигининг аксиологик, онтологик, эпистимологик хусусиятлари (сабаб ва оқибат) замонавий жамиятдаги ижтимоий энтропиянинг камайишига ва унинг яхлит организм сифатидаги барқарорлигини таъминлашга хизмат қилишига доир ғоя ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги иш фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2022 йил

24 мартдаги 05/2-1180-сон маълумотномаси). Натижада давлат бошқаруви органлари фаолияти очиклиги ва шаффофлигини таъминланишда фуқаролар иштирокини, «ижтимоий масъулият»ни янада ривожлантиришнинг замонавий механизмларини такомиллаштиришга эришилган;

глобаллашув даврида Интернет ҳамжамиятларининг синергетик тармоқлар бошқарувининг тизимли ёндашув шакли орқали анъанавийлик ва замонавийлик диалектикаси асосида ахборот етказиб бериш (ночизиклилик, тизимнинг очиклиги, тузилмаларнинг янги турларининг пайдо бўлиши)нинг энг самарали усули эканлиги ҳақидаги ғоялар, методологик тавсиялар ЎЗА фаолиятида қўлланилган (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг 2022 йил 7 апрелдаги 01-23/250-сон маълумотномаси). Натижалар бугунги кунда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири ошишига хизмат қилган;

ахборотнинг жадаллашувига бевосита таъсир қилувчи кучлар (иқтисодий, рақамли, биологик, янги технологиялар)нинг генерацияси инклюзив моҳияти, жамият ҳаётига детерминистик («ахборот эркинлиги» ва «ахборот масъулияти») таъсири ва инсонпарварлик тамойилларининг ментал жиҳатларга мослигига доир илмий хулосалардан «Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари таҳририяти» иш фаолиятида фойдаланилган («Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари таҳририяти)нинг 2022 йил 21 апрелдаги 44-сон маълумотномаси). Натижалар журналистларни жамиятимиздаги туб демократик ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланишига хизмат қилган.

дунёда ОАВлари тизимининг оддий ахборот воситасидан мураккаб, кўп функцияли тузилмага айланиши билан боғлиқ трансформацион (умумийлик, хусусийлик) хусусиятлари очиб берилганлигига доир таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Журналистлар уюшмасида соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг 2022 йил 30 мартдаги 01-18/190-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, медиабизнесни ривожлантириш масалалари бўйича амалий тадбирларни юқори савияда ўтказишга асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 8 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси доирасида жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (5 таси республика ва 1 таси хорижий журнал) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, унинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жамиятда ахборот эркинлигини таъминлаш масаласининг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобда ахборот эркинлиги тушунчаси ва у билан боғлиқ тушунчалар (эркинлик, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги)нинг категориявий-методологик маъносини ифода этадиган ягона тушунча мавжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, мазкур феноменни англаш ва ҳозирги замон ижтимоий ҳодисалари билан боғлиқ назарий ёндашувларга эътибор қаратилган.

Эркинликнинг шу пайтгача маълум бўлган кўплаб таърифлари ҳар бир давр нуқтаи назаридан ўзгариб бормоқда. Чунки, эркинлик феноменини, унинг моҳиятини акс эттирадиган ўзаро боғлиқ бўлган кўпгина элементларнинг мураккаб тизимини ифода этади. Айтиш жоизки, фикр инсон учун ёмон ёки зарарли оқибатларга олиб келмайдиган тарзда билдирилган тақдирдагина эркин бўлади. Фикрни сўзлар ёрдамида билдириш мумкин. Негаки, сўз фикрни бошқаларга ифода этиш воситасидир. Бошқача айтганда, сўз эркинлиги инсон эркинликларининг калитидир. Инсон ўз ҳуқуқ ва манфаатларига талабгор бўлиши учун энг аввало уларни изҳор қилиш ҳуқуқига – сўз эркинлигига эга бўлиши лозим. Ўз ҳақ-ҳуқуқларинг ҳақида айтишни иложи бўлмаса, уларга эга бўлиш, эришиш ҳақида ўйламаса ҳам бўлади. Сўз эркинлиги таъминлаганда тафаккур ривожланади.

Сукрот ва Афлотун давридан бошланган сўз эркинлиги ҳақидаги фикрлар тизими мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Ж.Милтон сўз эркинлиги муаммоси Перикл давридаёқ Афинада мавжуд бўлганлигини қайд этади. Гесиод эса биринчи бўлиб сўз эркинлигини чеклаш тизимини тақдим этган эди. Рус олимаси Н.Брестовицкаянинг ёзишича, Фарбий Европа фалсафасида ушбу муаммо тахминан XVI асрлардан бери муҳокама этиб келинмоқда ва Ж.Локк, Т.Гоббс, Б.Спиноза, Н.Макиавелли каби олимлар эътиборини тортган муаммолардан ҳисобланади⁶. «XVII аср охири –XVIII аср бошларида сўз эркинлиги учун кураш айнан Англияда бошланиб,

⁶ Брестовицкая Н.М. Проблема свободы слова и ее история // Современная философия и зарубежная компаративистика. СПб, 1995. №2. – С. 97.

континентал Европага ва тез орада Янги дунёга тарқалди»⁷. Шунингдек, Вольтер, Жан Жак Руссо, Ш.Л.Монтесъке, Д.Дефо, Г.Э.Лессинг, И.В.Гёте, Б.Франклин, Т.Пейн каби мутафаккирлар томонидан бу борадаги фикрлар муттасил равишда ривожлантириб борилган. Европадаги инқилоблар даврида «сўз эркинлиги» деганда таъқиб ва жазодан кўрқмасдан, фикрни очик билдириш имконияти тушуниланган. Хусусан, Жон Милтоннинг 1644 йилда ёзилган «Ареопагетика. Матбуотни лицензиясиз ҳимоя қилишда сўзнинг ўрни» асарида матбуот эркин бўлиши учун илоҳий ёндашув зарурлиги тўлиқ очиб берилган⁸.

Тадқиқотда европалик мутафаккирларнинг мақсад ва орзулари 1766 йил Швецияда жаҳон тарихида илк бор эълон қилинган матбуот эркинлиги тўғрисидаги қонунда ва 1789 йил Францияда қабул қилинган Инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликлари декларациясида ўз аксини топганлиги қайд этилган. 1791 йили қабул қилинган АҚШ Конституцияси – Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билга тузатиш киритилиб, сўз эркинлигини америкача тушунишга асос солинди, яъни «Конгресс сўз ва матбуот эркинлигини чеклайдиган бирорта ҳам қонунни эълон қилмаслиги кераклиги» ёзиб қўйилди⁹.

Бизнинг фикримизча, миллий матбуот масалаларига тўхталадиган бўлсак, ўлкамизда матбуот Европа ва Осиёдаги кўпчилик мамлакатлардагига нисбатан анча кеч ташкил топди ҳамда тараққий қилди. 1870 йилда Тошкентда ташкил этилган “Туркистанские ведомости” ва “Туркистон вилоятининг газети” (бу рўзнома дастлаб “Туркистанские ведомости” газетасига илова тарзида чиққан) Ўрта Осиёдаги даврий матбуотнинг тўнғич намунаси ҳисобланиб, уларнинг ҳар иккиси 1917 йилга қадар нашр қилинган.¹⁰ Туркистонда матбуотнинг пайдо бўлиши билан цензура муассаси ҳам юзага келди. Туркистон жадидлари томонидан 1906 йилнинг 27 июнида «Тараққий» номли газета чоп этила бошланди. 1917 йилда Россияда монархия тузуми афдарилгандан сўнг Туркистонда турли янги газета ва журналлар пайдо бўлди. Шулардан бири «Нажот» газетаси бўлиб, у 1917 йилда «Туркистон вилоятининг газети» ўрнига муваққат ҳукуматнинг нашри сифатида чоп этила бошланди. XX асрнинг 20-30 йилларга келиб Туркистонда матбуотнинг умумсий, соҳа, тармоқ газеталари деб фарқланадиган турлари пайдо бўлди.

1928 йилга келиб Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаси тарзида радиоэшиттиришлар йўлга қўйилиб, у бора-бора узлуксизлик характериға эға бўлди. 1956 йилнинг ноябрида Тошкент телевидениеси ишға тушди. Кўп

⁷ Wickwar W. The Struggle for the Freedom for the Press, 1819-1832. L., 1928.; Black J. The English Press in 18 century. Philadelphia, 1987.; Levy L. Emergency of a Free Press. NY, 1985.; Tindal M. Against Restraining the Press. L., 1704. - P. 288.

⁸ Milton J. Areopagitica. A Speech for the Liberty of Unlicenc`'s Printing // Milton J. Complete Poetry and Selected Prose / Ed. By E. Visyak. Glasgow, 1925. - P.248.

⁹ Конституция Соединенных Штатов Америки. Produced by REGIONAL PROGRAM OFFICE, VIENNA. – С.16

¹⁰ Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917). / Тузувчи Н.Абдуазизова. – Тошкент: Академия, 2000. – Б. 6.

ўтмай, у бутун республикага кўрсатувлар узатадиган телемарказга айланди.¹¹ Собик шўро даври матбуоти, унинг партиявий бошқарилиши Т.Эрназаров, А.Акбаров¹², Б.Юсупов¹³ каби олимлар томонидан тадқиқ этилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 1970-1980 йилларда матбуотга юқоридан туриб тазйиқ ўтказиш, унинг кундалик ҳаётимиздаги долзарб, зарур жиҳатларини ёритишдек муҳим вазифасини камситиш каби салбий жиҳатлар оддий ҳолатга айланиб қолган эди. Шу сабабдан ҳам матбуот тўлақонли равишда халқнинг қалб сўзларининг ифодачисига айлана олмади. «Собик шўролар даврида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти партиявий назоратнинг қаттиқ исканжасига олинганлигини, матбуотнинг бутун фаолияти коммунистик партия мафкурасига мажбуран хизмат қилдирилганлигини, шу давр сиёсий йўналишига мос равишда, партия совет матбуотининг кўп тармоқли тизими қарор топганлигини айтиш зарур»¹⁴. Умумлаштирган ҳолда, совет даври матбуотига «мустамлака даври матбуотидаги мафкуралашув жараёни ягона ҳукмрон партияга бўйсунувчи «Совет коммунистик матбуот назарияси» орқали барчани якка мафкурага хизмат қилиш ташвиқот этилиб, ахборот бозорида жамият устидан давлат ОАВнинг мутлақ монополияси ва кўп босқичли цензура тизими ўрнатилган эди, дея баҳолаш мумкин»¹⁵.

Диссертацияда Ғарбдаги ахборот ва ахборот тизимлари муаммолари бўйича назарий-услубий тадқиқотлар дунё илм-фанидаги фалсафий-услубий ҳамда ижтимоий-кибернетик нуқтаи назардан ўтказилган шундай тадқиқотлар билан бир даврда ривожланганлига эътибор қаратилган. Табиатшунослик соҳасидан гуманитар муаммолар соҳасига ўтган Л.Бриллюэн, Н.Винер, Р.В.Л.Хартли, К.Шеннон, Р.Акофф, Ф.Эмери¹⁶ ва бошқа олимлар илк бор шундай хулосаларга таянишган. Дастлабки электрон ОАВ – радио пайдо бўлган 1930-1940 йилларда ахборотни тизимли равишда тадқиқ этиш ишларига асос солинди. Мазкур тадқиқотлар П.Лазарсфельд, Х.Лассуэлл, Б.Берельсон, Ж.Гербнер¹⁷ каби оммавий коммуникациялар соҳасининг атоқли вакилларининг номлари билан боғлиқдир. 1950-1960

¹¹ Қосимова Н. ва бошқалар. Босма ОАВ таҳририятлари учун қўлланма. – Тошкент, 2008. Б. 9.

¹² Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Узбекистана. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – С. 322.

¹³ Юсупов Б. Матбуотга партиявий раҳбарлик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. - Б.165.

¹⁴ Мўминов А. Ўзбекистон ахборотлашган жамият сари. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2013. – Б.12.

¹⁵ Абдуазимов О. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникацияларнинг ўрни. – Тошкент, 2016. – Б.162.

¹⁶ Бриллюэн Л. Наука и теория информации. – М., 1960.; Бриллюэн Л. Научная неопределенность и информация, М., 1966.; Винер Н. Кибернетика, или управление и связь в животном и машине. – М., 1968.; Хартли Р.В.Л. Передача информации // Теория информации и ее приложения. – М., 1959.; Шеннон К. Статистическая теория передачи сигналов // Теория передачи электрических сигналов при наличии помех. – М., 1953.; Акофф Р., Эмери Ф. О целеустремленных системах. – М., 1974.

¹⁷ Lasswell H.D. The Structure and Function of Communication in Society // The Communication of Ideas, N.Y., 1948.; Lazarsfeld P.F. Berelson B., Gaudet H. The People's Choice. New York 1948; Lazarsfeld P.F., Merton R.K. Mass Communication, Popular Taste and Organized Social Action // Mass Communications / Ed. by Schramm W. Urhana. 1960.; Lazarsfeld P.F. Administrative and Critical Communications Research // Studies in Philosophy & Social Science. 1941. No 9; Westly B. & Mac Lean M. A Conceptual Model for Mass Communication Research. Journalism Quarterly. 1957, No 34. Gerbner G, Toward a general model of communication // Audio-Visual Communication Review. 1956. No 4; Cooley Ch. H. The Significance of Communication // Reader in Public Opinion and Communication / Ed. by Berelson B., Janowitz M. New York, 1953.

йилларда электрон ОАВнинг ривожланиши, хусусан телевидениенинг пайдо бўлиши босма ОАВларининг фаолиятини кескин тарзда ўзгартирди. Шу жиҳатдан хорижлик олимлар ўтган асрнинг 60-йилларида босма ОАВ материалларининг интеллектуал ва маданий даражаси пасайиб, «сарик матбуот» адади ва тури кўпайганини қайд этишади. Айнан Т.Адорно, М.Хоркхаймер, Г.Маркузе, Х.Ортега-и-Гассет¹⁸ асарларида замонавий ОАВнинг омма онги ва маданиятига салбий таъсири ёрқин тарзда очиб берилган. Р.Арон, Р.Даль, А.Токвиль¹⁹ каби олимларнинг асарларида жамиятни демократлаштириш, ахборот эркинлигига амал қилишнинг ҳозирги давр хусусиятларига боғлиқ мезонларига алоҳида эътибор қаратилган. Канадалик жамиятшунос М.Маклюен²⁰ томонидан амалга оширилган тадқиқотлар бу борада кенг акс-садо берган ишлардан биридир. У ўз тадқиқотида инсоният тарихини илк бор уч асосий босқич: коммуникацияларнинг оғзаки шакли устуворлигига асосланган «қабилла жамияти», босма ОАВдан фойдаланадиган «саноатлашган жамият» ва телевидение телекоммуникация маркази бўлган «электрон жамият» ривожланиши нуқтаи назаридан кўриб чиқишни таклиф қилган. Д.Белл, М.Кастельс, Э.Тоффлер, Й.Масуда, Р.Эшби, Ф.Уэбстер, Э.Денис, Д.Меррилл, Д.Кин, Э.Фихтелиус, Р.Сталлман²¹ каби олимлар ахборотлашган жамият, рақамли ахборот ва Интернет даври бошланиши муносабати билан ижтимоий муносабатларда рўй берган ўзгаришлардаги асосий хусусиятларни тадқиқ этишган.

Академик Н.Н.Моисеевнинг фикрича, ахборот тушунчасига нисбатан умумий ва қатъий таъриф йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, мазкур тушунча жуда кенг қамровли хусусиятга эга. Бунда компьютер хотирасига киритилган ёки сим ёхуд телерадиоканаллар орқали етказиладиган ахборотга аниқ тушунча бериш мумкин бўлса, борлиқни кузатиб турган инсон ҳақида гап кетганда, ушбу тушунчага нисбатан бошқача ҳолат юзага келади²².

¹⁸Adorno T., Horkheimer I. The Culture Industry: Enlightenment on Mass Deception // *Dialectics of Enlightenment*, N.Y.: Herder & Herder, 1972. Маркузе Г. Одномерный человек // *Американская социологическая мысль*. М., 1994; Ортега-и-Гассет Х. Избранные труды. / Пер. с исп.; сост., предисл. и общ. ред. Руткевича А.М. 2-е изд. М.: Весь мир, 2000.

¹⁹ Арон Р. Демократия и тоталитаризм. / Перев. с французского Г.И. Семенова. – М.: Текст, 1993. Даль Р. О демократии. Перев. с французского А.С.Богдановского. – М.: Аспект Пресс, 2000. Токвиль А. Демократия в Америке. – М.: Прогресс, 1992.

²⁰ Маклюен М. Галактика Гутенберга. – Киев, 2004. Маклюен М. Понимание медиа: внешние расширения человека. – М., 2003.

²¹ Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. – М.: Academia, 1999. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество, культура / Пер. с англ. под науч. рук. О.И. Шкаратана. – М.: 2000; Кастельс М. Галактика Интернет. Изд.У-Фактория, Екатеринбург, 2004., Тоффлер Э. Шок будущего. –М.: АСТ, 2001., Масуда Й. Информационное общество как постиндустриальное общество. – М., 1981. Эшби Р. Массовая информация: стратегия и тактика потребления. –М.: Дело, 1993. Уэбстер Ф. Теории информационного общества / Пер. с англ. М.В. Арапова, Н.В. Мальхиной; – М.: Аспект Пресс, 2004. Денис Э., Меррилл Дж. Беседы о масс-медиа. – М.: РАИПЦ, Вагриус, 1997. Кин Джон. Средства массовой информации и демократия. – М.: Прогресс, 1994. Фихтелиус Э. Радио ва телевидение журналистикаси асослари. Журналистиканинг 10 қонидаси. Тошкент: Шарқ, 2002. Stallman, Richard M. Copyright and globalization in the age of computer networks. // *Free Software, Free Society: Selected Essays of Richard M. Stallman*. GNU Press, Boston, 2004.

²² Моисеев Н.Н. Расставание с простотой. М.: АГРАФ, 1998. – С. 98-99.

Бизнингча, «ахборот эркинлиги» учун қуйидаги зарур омиллар таъминланиши керак:

биринчидан, ахборот бир-бирига боғлиқ катта ва мустақил уч кичик тизим – коммуникатив (ёки шахсга доир ахборот), институционал (оммавий коммуникация воситалари оммавий ахборотни тарқатиш шакли сифатида) ва техник техник тизимлар (матбаа, алоқа йўлдошлари, қайта трансляция қилиш станциялари) дан таркиб топган мураккаб тизимдир, дея таърифлаш мумкин;

иккинчидан, оммавий ахборот воситалари ахборот эркинлигининг асосий манбаи ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари оммавий ахборотнинг институционал кичик тизими ва жамият сиёсий тизимининг элементи сифатида намоён бўлади;

учинчидан, ахборот эркинлиги деганда ОАВ ёрдамида махсус техник тизимлар ва қурилмалар орқали ижтимоий ҳаёт жараёнларини тўлиқ акс эттирган ҳолда, кенг омма учун мўлжалланган маълумотларни монеликсиз тарқатиш имконияти тушунилади. Бу борадаги ташкилий шароитлар, ваколатли давлат органларининг оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш, улар фаолиятини лицензиялаш ва уларнинг тегишли қонунчиликка риоя этишини назорат қилиш бўйича ташкил этилган таркибий фаолиятни ҳам ўз ичига олади.

тўртинчидан, оммавий коммуникация воситалари тизими жамиятнинг плюралистик тизимига мос бўлиши керак. Аҳолини холис ахборотдан хабардор қилиш учун давлат, хусусий (тижорат, партия) ва мустақил оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатиши зарур;

бешинчидан, ахборот эркинлигини амалга оширишда давлат, ижтимоий гуруҳлар ва шахсий манфаатлар бузилиши мумкин, бу манфаатлар ахборот эркинлигининг суиистеъмол қилиниши (журналист ҳуқуқларининг суиистеъмол қилиниши) натижасида бузилади, ушбу ҳолатда журналистлар ўзларининг касбий этика кодексларига риоя этишлари шарт.

Диссертацияда Интернетнинг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши, кибермакондаги «ахборот юки»нинг ошиши ахборот эркинлиги тушунчасини қайта кўриб чиқиш зарурияти хусусида баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган муҳим омиллардан бири эканлиги қайд этилган. Интернетда эркин ахборот алмашиш принципи асосида коммуникатив ҳаракатларни амалга ошириш учун икки принципиал қоидага риоя этиш зарур: ахборотга эга субъект хабар узатувчи ахборотнинг олиншига розилик бериши шарт. Фақат шундай ҳолатдагина эркин тарзда ахборот алмашиш мумкин ва бу жараёнга учинчи шахслар, хусусан, давлат тўсқинлик қилмаслиги керак.

Диссертациянинг «**Янги Ўзбекистонда ахборот соҳасининг ислох қилиниши ва унинг жамият ҳаётига таъсири масаласи**» деб номланган иккинчи бобида ахборот эркинлигининг жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий ҳаётига таъсири ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган долзарб масалалар ўрганилган.

Ахборот ва матбуот эркинлиги, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, давлат идоралари фаолиятининг очиклиги ва ошқоралиги

– Янги Ўзбекистоннинг сифат кўрсаткичларидан бирига айланди²³. Ахборот бозоридаги рақобатни кучайтириш, ОАВнинг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, мустақил, нодавлат ОАВни қўллаб-қувватлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Оммавий ахборот воситалари фаолияти рағбатлантирилиши, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши, соҳа ривожини, жамиятда ахборотга бўлган эҳтиёж қондирилишига шарт-шароит яратиб бермоқда. Ахборотлаштиришни жадал суръатлар билан ривожлантириш ҳам республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош йўналишларидан бири ҳисобланади.

Айни вақтда оммавий ахборот воситалари ва нашриётлар фаолиятини мувофиқлаштириш, бу тармоқда миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, мамлакатимиз миллий медиа майдонида соғлом рақобат муҳити, замонавий ахборот хизматлари бозорини шакллантириш, жойларда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалалари долзарблигича қолмоқда²⁴. Таниқли олим Х. Дўстмухаммад таъкидлаганидек: «Матбуотни демократлаштириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини янада мустаҳкамлаш нафақат маънавий ижодий ва ижтимоий-сиёсий, балки иқтисодий муаммо эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Ҳозирги замонда ахборотнинг товарлашуви (товарга айланаётганлиги) алоҳида мавзу, айни вақтда оммавий ахборот воситалари фаолиятида кечадиган иқтисодий муносабатларга бозор механизмларини жорий этмасдан туриб, оммавий ахборот воситаси эркинлиги ва мустақиллигини тасаввур қилиб бўлмаслигини ҳали-ҳамон ҳамма журналистларимиз бирдек англаб етмоқдалар дейиш қийин»²⁵.

Тадқиқот натижаларига кўра, жамоатчилик фикри ва оммавий ахборот воситаларининг бир-бирига ўзаро таъсири муаммоси жуда қизиқарли, аммо ҳал этилиши қийин бўлган масаладир. Инсон психикаси шу даража мураккаб ва хилма-хилки, бир киши ахборот таъсирига дучор бўларкан, оммавий ахборот воситаларидаги маълумотларга тўлиқ ишонади, иккинчиси эса уларнинг ҳолислиги ва ишончилигини инкор этади.

Профессор А.Муминов шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигининг умумий сабабларини куйидагича ажратиб кўрсатади:

Биринчидан ахборот жамиятига ўтиш, ахборот оқимлари ва ялпи ахборот муҳитининг кўламлари кенгайиши ҳамда унинг мазмун-моҳияти ва тузилмаси мураккаблашиши муносабати билан унинг психикасига таъсири бир неча марта кучаяди, бундай таъсирнинг суръатлари жадал ошиб боради. Бу ҳол ҳозирги замон жамиятида ижтимоий фаол субъект сифатида инсон омон қолишининг янги механизмлари ва воситаларини шакллантириш зарурлигини тақозо этади.

²³ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022. – Б. 121.

²⁴ Бу ҳақида қаранг: Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // «Халқ сўзи», 2017 йил 12 август.

²⁵ Дўстмухаммад Х. Ахборот – мўъжиза, жозиба, фалсафа. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. - Б. 13.

Иккинчидан, инсон психикасининг ахборот муҳити билан биргаликда ҳаракат қилиши сифат жиҳатидан ихтисослашуви билан фаркланади ва бошқа биологик тузилмалар, техник, ижтимоий ва ижтимоий-техник тизимлар билан ахборот биргаликда ҳаракат қилишининг ўхшаш шаклига эга эмас.

Учинчидан, инсон ва унинг психикаси ахборот таъсирининг асосий ва марказий «нишони» ҳисобланади. Турли мураккабликдаги ижтимоий субъектларнинг, ҳар қандай одамлар бирлиги ва ижтимоий ташкилотларнинг – кичик гуруҳдан тортиб, то мамлакатнинг барча аҳолисигача нормал фаолият юритиши айтиш мумкин, уларнинг ўзаро алоқалари ва муносабатларига боғлиқ.²⁶

Бизнинг фикримизча, жамиятда матбуот, радио ва телевидение ёки интернетнинг ролини ҳеч қачон барча бир хил тушунавермайди. Хусусан, ОАВда манфаатларни ифода этиш учун плюрализм ва турли имкониятлар мавжуд бўлиши керак. Аҳоли учун оммавий ахборот воситаларини танлаш бўйича ҳақиқий рақобат бўлиши зарур. Агарда бундай муқобиллик бўлмаса, жамиятда турғунлик бошланади. Шу боис, «тўртинчи ҳокимият» ҳисобланмиш ОАВ эътиборни фақат бир нарсага жалб этиши ва монополлаштиришга интилмастек керак. ОАВни жалб этиш борасидаги табиий тенденцияга йўл қўймасликни, айниқса, қонун чиқарувчилар тушуниши муҳим. Чунки, бу иш мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг бир қисмидир. Жамоатчилик бошқаруви тизимида ОАВ жамият манфаатларини ҳимоя қилади. Бутун дунёда қўлланилаётган ҳуқуқий амалиёт ҳам шундан далолат беради. Масалан, Ўзбекистонда йирик газета магнатлари ёки телерадио монополистлари йўқ. Аммо, жаҳонда бундай тенденция мавжуд.

Тадқиқотчи Ж.Киннинг фикрига кўра, бозор рақобатига ҳаддан ташқари юксак баҳо берилиши туфайли, бозор рақобати ахборот эркинлигини кафолатмаслиги тўғрисида хулосага келиш мумкин. Бугунги кунда турли-туман ОАВга эга ва бозорнинг иқтисодий талабларига мувофиқ ахборот тарқатувчи трансмиллий корпорациялар хусусий ахборот бизнесида устунлик қилмоқда. Бунда мажбуриятларни амалга ошириш учун ОАВ ўзи ҳақида ҳокимиятнинг яна бир «тармоғи» сифатида кучига ортикча баҳо бермаслиги мақсадга мувофиқдир. Нима бўлганда ҳам «тўртинчи ҳокимият» - ОАВ самарали фаолият кўрсатиши учун мустақил бўлиши муҳимдир. Чунки, мамлакатда битта газета, битта телевидение канали ёки радиостанция мавжуд бўлса, ОАВ ўзининг «тўртинчи ҳокимият» сифатидаги вазифасини бажара олмайди.

М.Кастельснинг фикрига кўра, ахборот ва ахборот алмашинуви цивилизациялар тараққиётини таъминлайди. Айтиш мумкин, вақтда барпо этилаётган ахборот жамиятида ҳам ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва тақдим қилиш ишлаб чиқариш ва ҳокимиятнинг фундаментал манбаларига айланади²⁷.

²⁶ Мўминов А. Ўзбекистон ахборотлашган жамият сари. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2013. – Б.135.

²⁷ Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. - М., 2010. - С. 41.

Ахборот жамиятининг асосий принциплари япон олими И.Масуданинг «Ахборот жамияти постиндустриал жамият сифатида» номли асарида қуйидагича баён қилинган:

-янги жамиятнинг асосини инсоннинг ақлий меҳнатини алмаштирувчи ёки тезлаштирувчи фундаментал вазифани бажарадиган компьютер технологиялари ташкил этади;

-ахборот революцияси жадал янги ишлаб чиқариш кучига айланиб боради ва конгнитив, тизимлашган ахборот, технология ва билимларни оммавий ишлаб чиқариш имконини беради;

-«англанмаганликнинг чегараси» амалий бозор бўлиб, муаммоларни ҳал қилиш имкони ва ҳамкорлик кенгайтиди;

-интеллектуал ишлаб чиқариш иқтисоднинг етакчи соҳасига айланади;

-янги ахборот жамиятида «эркин жамият» асосий ижтимоий фаоллик субъектига айланади, «иштирок демократияси» эса сиёсий тизимни ташкил этади;

-«вақтнинг қадри»га етиш янги жамиятнинг асосий мақсадини ташкил этади.

Дунёда бўлаётган воқеалар, жараёнлар, ҳодисалар тўғрисида ахборот бериб бориш, шунингдек, фуқаролар, ижтимоий институтлар ва давлат ҳокимияти органлари ўртасида самарали муносабатлар тизимини шакллантиришда фуқароларнинг ахборотга бўлган эркинлигини амалга ошириш ва қафолатлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилишдан асосий мақсад - ахборот яратиш, уни ўзгартириш ва фойдаланиш жараёнида турли субъектлар ўртасида кенг кўламли ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборатдир. Бу жараёнда оммавий коммуникацияларнинг аҳамияти кундан кунга ортиб бормоқда.

Бизнинг фикримизча, дунё миқёсидаги алоқаларнинг кучайишида Интернетнинг ўрни бекиёсдир. Интернет инсониятга ахборот алмашиш суръатини ниҳоятда тезлаштириб юборган восита сифатида қанчалик наф берган бўлса, таассуфки, ундан келадиган зиён ҳам кам эмас. Бу борада чеклов жорий этиш орқали курашиш мутлақо самарасиз йўлдир. Шу боисдан, биз ахборот эркинлигини таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий асосларини яратишда халқимизнинг турмуш тарзи ва маданиятини ҳисобга олган ҳолда иш тутсак, ахборот эркинлиги - жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий даражасини юксалтиришдек эзгу мақсадларга ҳам хизмат қилади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Глобал ахборот маконига интеграциялашув жараёнида ахборот эркинлигини таъминлашнинг асосий тамойиллари»** деб номланиб, унда ахборотнинг тез ва сифатли айланиши, ахборот эркинлигини таъминлаш, ахборотлашган жамият сари жадал интилишга қаратилган жараёнлар таҳлил этилди. Ушбу масалаларни ҳал этишда давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш, телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистикани янада ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилган.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хошиш-истак, субъектив ходиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир²⁸. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқида таъриф берилганидек, «Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз»²⁹. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони³⁰ асосида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунда умуминсоний аҳамият касб этаётган ахборот эркинлиги масаласининг долзарблиги ортиб бормоқда.

«Чегара билмас мухбирлар» халқаро нодавлат ташкилотининг 2020 йил учун жаҳон матбуоти эркинлиги индекси эълон қилинганда, 180 та мамлакатни қамраб олган рейтингда Ўзбекистон 156-ўринда қайд этилган эди. Таҳлилчилар Ўзбекистондаги матбуот эркинлиги бўйича вазият 2019 йил билан солиштирилганда 4 поғонага, 2017 йил билан таққослаганда 13 поғонага юқорилашга эришганлигини эътироф этишган. Албатта ушбу натижага эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Ҳибсдаги журналистларнинг озодликка чиқарилгани, ўнлаб йиллар давомида блокланган сайтлардан таъқиқ олиб ташланганлиги, ОАВни рўйхатдан ўтказиш соддалаштирилгани, сиёсий контентдаги тўғридан-тўғри трансляциялар йўлга қўйилгани, баъзи журналистлар коррупция ва мажбурий меҳнат каби нозик мавзуларни ҳам кўтариб чиқишга шароит яратилганлиги дея баҳолаш мумкин³¹. 2022 йилда «Жаҳон матбуоти эркинлиги» индекси рейтингида Ўзбекистон 24 поғонага кўтарилиб 133-ўринни эгаллади³².

Диссертация ишида замонавий илмий қарашларда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокида қабул қилинган тўғри қарорлар жамият раванқига кўпроқ ва самаралироқ хизмат қилишига урғу берилади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари «тасарруфида»ги ахборотдан оддий фуқаронинг воқифлиги йўлга қўйилгани сайин жамиятда ижтимоий масъулият туйғуси шаклланади, тарбия топади. Одамларнинг, ўз муаммоларини эркин муҳокама этиш ҳуқуқи чекланмаслиги даркор. Давлат

²⁸ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: O‘zbekiston, 2022. – Б. 3.

²⁹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 244.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. - <https://lex.uz/docs/5841063>.

³¹ <https://kun.uz/90781005>. Матбуот эркинлиги индекси: Ўзбекистон 156-ўринда. Мурожаат санаси:21.04.2020.

³² <https://www.gazeta.uz/uz/2022/05/03/rsf-index/>

эса бу ҳуқуқларни тан олиши ва ҳимоя қилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Акс ҳолда ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир кўрсатмайдиган, ижро механизмларига эга бўлмаган, ишламайдиган қонунлар пайдо бўлаверади. Жамоатчилик назоратини ўрнатиш, фуқаролар ҳуқуқлари бузилишига муносабат билдириш ахборот воситаларининг бурчидир. «Оммавий ахборот воситалари аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳокимият идораларига етказишнинг муҳим ва таъсирчан воситасига, халқнинг энг яқин кўмакчиси ва ҳамдардига, демократия кўзгусига айланиши зарур»³³ - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев. Оммавий ахборот воситаларидаги танқидий чиқишларга вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг ахборот хизматлари орқали тезкор муносабатлар билдириш амалиёти шаклланмоқда. Бунинг тасдиғини давлат идоралари томонидан танқидий материалларга жавоб қайтариш кўрсаткичи 2018 йилда 12 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил якунига кўра қарийб 90 фоизга етгани мисолида ҳам кўриш мумкин.³⁴

